



# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 21 июнь  
сешанба  
№ 23 (1331)

[www.hudud24.uz](http://www.hudud24.uz)  
[insonvaqonun@adliya.uz](mailto:insonvaqonun@adliya.uz)  
[fb.com/hudud24official/](https://fb.com/hudud24official/)  
[t.me/hudud24official/](https://t.me/hudud24official/)


hudud24

Endi 24 soat siz bilan!

✔ Энг сўнги хабарлар  
✔ Ҳуқуқий маълумотлар  
✔ Таҳлилий мақолалар  
✔ Мурожаатга жавоблар

## Шу сонда:

- ✔ Ҳам ишдан, ҳам компенсациядан курук қолган ўринбосарлар...
- ✔ Ҳуқуқини билганга — тўлов, билмаганга — қарздорлик...ми?
- ✔ Ўзумчилик учун субсидия кимларга берилади?
- ✔ Реклама қилишда қуйдагилар тақиқланади
- ✔ “Экопарк” фақат ҳисобот учунмиди?



## БАЙРАМ ЯҚИН...



Ҳуқуқшунос-журналист Инобат Нормуродова қарийб қирқ йилдирки, ОАВда фаолият юритади. Ҳуқуқий мавзуда кўрсатув тайёрлашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Ўз ишига содиқ, тажрибали журналистни “Парламент соати” муаллифлик кўрсатуви орқали ҳам яхши таниймиз.

Ҳамкасбимиз ижодий фаолияти ҳақидаги мақолани газетамизнинг келгуси сонидан ўқийсиз.

Яқинлашиб келаётган касб байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар!

/ кўзгу

**ЯҚИНДА** Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида бир ярим соат ўзи машинада юргач, йўллардаги ҳолатни шундай изоҳлаганди: “Юриб бўлмади, мен ўзим юрган катта кўчаларда ҳам юриб бўлмайди. Шунақа қоидабузарликлар, тирбандликлар кўп, хоҳлаган одам хоҳлаган нарсасини қилиб юрибди. Одам кўрқиб кетади...”

## ЙЎЛГА ЧИҚДИНГИЗМИ,

## ЎЗИНГИЗНИ БОСИБ ОЛИНГ!

Ёхуд йўллардаги аҳволимиз



Ўзимизни тартибга келтирсак, қачонки биз йўл қодаларига сўзсиз амал қилсак, қачонки йўлда бир-биримизни ҳурмат қилсак.

Яқинда эрталаб ишга келаётган эдим. Катта, беш қаторли йўл. Ҳамма қатор банд. Орқадан “Тез ёрдам” машинасининг оғоҳлантирувчи сирена сигнали чалинди. Қани энди биров йўл берса, ҳеч ким пинагини бузмайди. “Тез ёрдам” машинаси келаётган қаторни бўшатиш имкони бор, лекин ҳеч ким хоҳламайди. Тўхтовсиз сирена сигнали чалинади. Йўқ, сигнал эмас, кулоқларга беморнинг инграши бўлиб эшитилади. Фойдаси йўқ, Хуллас, “Тез ёрдам” машинаси ҳам ҳамма қатори ўша тирбандликдан йигирма минутларда ўтиб олди. Унинг “Тез ёрдам” лиги қаерда қолди? Унинг ичида кетаётган беморнинг аҳволи нима бўлди? Ёки “Тез ёрдам” кутаётган беморнинг аҳволи-чи?

Ахир, ўша бемор сизнинг яқин кишингиз бўлиши ҳам мумкин-ку...

Хуллас, бу борада аҳволимиз оғир. Президентимизнинг юқорида айтган гапларидан ҳар биримиз ўзимизга хулоса қилиб кўришимиз керак. Зора, ўзимизни ўнглаб оلسак.

Ёрбек ИСКАНДАРОВ,  
“Инсон ва қонун”  
муҳбири

Дарҳақиқат, Президентимизнинг юқоридаги гапларидан сўнг У кишининг йўлда нималарга гувоҳ бўлганлигини пайқаш қийин эмас. Ўзимиз ҳар куни гувоҳ бўладиган қоидабузарликларга Президент ҳам гувоҳ бўлган бўлса ажаб эмас. Қандай қоидабузарликлар тўғрисида гапираясан, демоқчимисиз? Унда ўқиб кўринг:

Машинага ўтиргандан сўнг то йўл ҳаракати хавфсизлиги инспектори олдимиздан чиқмагунча хавфсизлик камарини тақмаймиз;

Йўллардаги светофорларнинг қизил чироғи ёнгандан сўнг ҳам ўтиб кетишга улгураемиз;

Тўхтовсиз сигнал чаламиз. Иложи бўлса, олдимиздаги “қизил” да тўхтаган машина устидан учиб ўтсак деймиз;

Бурилишларда қайси қатордан бурилиш мумкинлигини билсак-да, кўпроқ мумкин бўлмаган қатордан буриламиз;

Телефонда хоҳлаганча гаплашамиз;

Тўхташ мумкин бўлмаган жойда тўхтаб, ишимизни битирамиз;

Пиёдаларга йўл беришни ўзимизга эп кўрмаймиз; Тезликка амал қилмаймиз;

Ҳайдовчилар бир-биримизни ҳурмат қилмаймиз. Керак бўлса йўлнинг ўртасида тўхтаб бир-биримизнинг ёқамиздан оламиз...

Бу рўйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин. Аммо бундан фойда йўқ. Биз қачонгача ўзга давлатларнинг йўлларидаги тартибга ҳавас қилиб яшаймиз? Бизнинг йўлларимизда ҳам тартиб бўлиши мумкин. Қачонки, биз

# МАМЛАКАТ ВА МИЛЛАТ ҲАЁТИДАГИ МУҲИМ ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТ

**МАЪЛУМКИ, айна пайтда республикамизда муҳим ҳуқуқий ислоҳот — Бош қомусимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Бу борада тузилган конституциявий комиссия эса фуқаролар, давлат органлари, корхона ва ташкилотлардан келиб тушаётган яқка тартибдаги ҳамда жамоавий таклиф ва мулоҳазаларни мувофиқлаштириб, уларни чуқур таҳлилдан ўтказиб, муҳокама қилиб бормоқда.**

**Шу маънода айтганда, Тошкент давлат юридик университетининг “Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси” профессор-ўқитувчилари билан ташкил этган давра суҳбатимиз ҳам Асосий қонунимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан бўлди.**



**Нозимахон ҒОҒУРОВА,**  
юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори, доцент.

— Сир эмаски, Муқаддима Конституция учун нафақат концептуал ва мафкуравий асос сифатида хизмат қилади, балки унинг магни учун ғоявий ва таркибий асос ролини ҳам бажарали. Шу боис, аввало Конституция муқаддимасига халқаро ҳамжамият ва Янги Ўзбекистоннинг ривожланиш тенденцияларига хизмат қиладиган “ҳуқуқ устуворлиги” тамойилини киритиш мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқ устуворлиги — бу давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи энг олий кўринишдаги шакл бўлиш баробарида бизнинг умумий норматив-ҳуқуқий базамизни ривожлантириш ва ҳимоя қилиш механизмидир. Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда кечаётган ислохотлар янада самарали амалга оширилиши учун мазкур тамойилни ғоявий асос сифатида киритиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси”да мамлакатнинг халқаро муносабатлардаги тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги ролини ошириш устувор вази-

фалар каторида белгиланган. Ушбу вазифани самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро шартномаларнинг бажарилиш шартларини Конституциямизнинг 17-моддасига қўшимча норма сифатида киритиш лозим.

Бундан ташқари, 17-моддага “БМТ Низомида мустаҳкамланган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа умумэтироф этилган тамойиллари ва нормаларига асосланади” деган ўзгартиришни киритиш нормани мазмунан бойитар эди.

Учинчидан, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегиясида фуқаролар саломатлигини таъминлаш ва ҳимоя қилиш энг устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Соғлиққа бўлган ҳуқуқ давлат ва жамият, давлат ва фуқаро (ёки фуқаро бўлмаган шахс) ўртасидаги ижтимоий муносабатлар орқали амалга оширилади. Яъни, соғлиққа бўлган ҳуқуқ — давлат томонидан фуқароларга ёки ушбу давлат ҳудудида истиқомат қиладиган шахсларга жисмоний ва руҳий саломатлик-

нинг энг юқори даражасига эришиш учун яратиладиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий тизимли шароитлар мажмуасидир.

Конституциямизнинг 40-моддасида “Хар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга” дея белгиланган. Фуқаролар саломатлиги давлат томонидан кафолатланиши учун, амалдаги таҳрир старлицца кенг қамровли бўлмаган сабабли, 40-моддага таклиф қилинаётган: “Хар бир инсон жисмоний ва руҳий саломатлигининг энг юқори даражасига эришиш ҳуқуқига эга.

Аҳолининг соғлиққа бўлган ҳуқуқи давлат томонидан кафолатланади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари қонунда белгиланган ҳажм ва тартибда аҳолига давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатади.” деган мазмундаги таҳрир соғлиқни сақлаш, умуман, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқ бўлар эди.

— Конституциямизнинг 109-моддасида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаши белгиланган. Амалдаги таҳрирдан давлатнинг ҳозирда бажараётган халқаро мажбурияти тушунчаси келиб чиқади. БМТ Устави (2-модда), Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси (26-модда)да pacta sunt servanda принципи келтирилган бўлиб, хар бир амалдаги шартнома унинг иштирокчилари учун мажбурий ҳамда улар томонидан вижлонан бажарилиши лозимлигини назарда тутати. Ратификация бу халқаро шартнома қондаларининг мажбурийлигига розиллик билдириш шаклларида бири бўлиб, Конституциявий суд томонидан ратификация қилинаётган халқаро шартноманинг Конституцияга мувофиқлигини кўриб чиқиш масаласи Испания (95-модда), Россия Федерацияси (125-модда) конституцияларида ўз аксини топган.

Шунга мувофиқ, 109-модданинг 1-қисм 1-бандига “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди: Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари унга нисбатан қучга киргунга қадар давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди”, деган ўзгартиришни киритиш таклиф этилади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари давлат учун устувор бўлиши керак бўлган ягона халқаро демократик макон шаклланишининг замонавий шароитида чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини тартибга солишнинг аҳамияти орттиб бормоқда. Мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари доирасида — 2021 йил 4 июнда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг амалдаги таҳрири 23-моддасида “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет

эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади” деб мустаҳкамланган.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг хусусияти шундан иборатки, уларнинг аксарияти халқаро шартномаларда келтирилади. Давлатлар ушбу шартномага қўшилганлари ёки ратификация қилганларидан сўнггина у давлатта нисбатан мажбурият келтириб чиқаради.

Чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати миллий ҳуқуқ ва ратификация қилинган халқаро шартномалар билан тартибга солинишига оид нормалар Польша (37, 56-моддалар), Россия Федерацияси (62-модда) конституцияларида акс этган. Шу боис, халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда Конституциямизнинг 23-моддасига “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунларига мувофиқ таъминланади”, мазмундаги ўзгартириш киритишни зарур деб ҳисоблаймиз.



**Маҳмуд МАҲАМАТОВ,**  
юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори.



**Жўрабек РАСУЛОВ,**  
юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори.

— БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларида давлатларнинг мажбурий меҳнатни таққиллаш ва бекор қилиш юзасидан тезкор, самарали чораларни кўриши бўйича вазифалар белгиланган. Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан қабул қилинган меҳнат стандартлари (29 ва 105-сон конвенциялари) ичида мажбурий меҳнатнинг қатъий ва узил-кесил таққиллашни фундаментал нормалар сифатида киритилган. Амалдаги Конституция мажбурий меҳнатни қатъий таққилламайди, балки бошқа қонун ҳужжатларига ҳавола қилади. Мажбурий меҳнатни қатъий ва узил-кесил таққиллаш тўғрисидаги қондалар Япония (18-модда), Ҳиндистон (23-модда), Бангладеш (34-модда), Германия (12-модда), Қозғистон (24-модда), Қирғизистон (28-модда), Украина (43-модда), Озарбайжон (35-модда), Туркия (18-модда), Литва (48-модда) давлатларининг конституцияларида мустаҳкамланган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Конституциянинг

37-моддаси иккинчи қисмини “Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан, фавқулодда ёки ҳарбий ҳолат жорий қилиниши муносабати билан, ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари асосида соф ҳарбий хусусиятдаги ишларни бажаришдан ташқари мажбурий меҳнат таққилланади”, деган таҳрирда ўзгартириш таққилла этилади.

2. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг 1999 йилги Болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари таққиллаш тўғрисидаги 182-конвенцияси (Ўзбекистон 2008 йилда ратификация қилган) уни ратификация қилган давлатларга зудлик билан болалар меҳнатининг энг ёмон шакллари таққиллаш ва тугатиш бўйича самарали чоралар кўриши талаб қилади. Шунингдек, болалар меҳнатини таққиллаш мажбурий меҳнатни таққиллаш, меҳнат соҳасида камситишларга йўл қўймайлик, бирлашиш эркинлиги, жамоа музокараларини олиб бориш ҳуқуқининг тан олиши каби ташкилотнинг 8 та фундаментал конвенцияларидан ҳисобланади.

Жаҳон конституциявий амалиёти таҳлили Ҳиндистон (24-модда), Украина (43-модда), Туркия (50-модда), Тожикистон (35-модда) каби давлатларнинг конституцияларида воёга етмаганларни соғлиги, хавфсизлиги, ахлоқига зиён етказадиган ишларга ва мажбурий меҳнатга жалб қилиниши таққилловчи нормалар белгиланганлигини кўрсатади. Шунга биноан, Конституциянинг 45-моддасини болалар (амалдаги Конституцияда “воёга етмаганлар” атамаси қўлланилган) меҳнатини таққиллаш бўйича “Воёга етмаган шахсларни уларнинг соғлиги, хавфсизлиги ва одоб-ахлоқига зиён етказиши мумкин бўлган ишларга, мажбурий меҳнатга жалб қилиш таққилланади” таҳриридаги иккинчи қисм билан тўлдириш таққилла этилади.



**Феруза МИРЎҚТАМОВА,**  
юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори.

— Ўзбекистонда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ минбаридан туриб, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш таққилли илгари сурилгани ҳам халқаро ҳамжамят томонидан илқ қаршиланди. Ўзбекистон раҳбари буни бутун дунё микёсида ёшларнинг сони икки миллирдан ортиб кетгани, халқаро терроризм ва экстремизм шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда ёшларга ҳимоя зарурлигини муҳим омиллар сифатида асосла берди. Шундан келиб чиқиб, ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини конституциявий жиҳатдан ҳам мустаҳкамлаб қўйиш таққилла этилади.

Халқаро тажрибага назар ташлайдиган бўлсак, Молдова (50-модда), Қозғистон (32-модда), Туркия (58-модда), Чехия (32-модда) ва бошқа бир қатор давлатлар конституцияларида ёшлар ҳуқуқларининг давлат томонидан ҳимояланиши ҳамда қўллаб-қувватлашига оид нормалар мавжудлигини кўриш мумкин. Бинобарин, Конституциянинг “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қафолатлари” дея номланган X бобига “Давлат ёшларнинг маънавий-ахлоқий, интеллектуал ва жисмоний ривожланишига қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётида эркин ва фаол иштирок этиши, бутун жамият манфаатлари йўлида ёшлар салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароитларни яратати”, деган таҳрирдаги ёшлар ҳуқуқларига оид алоҳида моддани қўйиш таққилла этилади.



**Далер ВАЛИЖОНОВ,**  
юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори.

— Бугун дунёда кечаётган глобаллашув жараёни инсоният таракқиётига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга, ўзида турли таҳдид ва хавф-хатарларни ҳам намоён этмоқда. Шундай жадал ривожланиб бораётган даврда давлатлар ўртасида ташқи сиёсатни тартибга солиш ва уни ривожлантириш муҳим омил бўлиб ҳисобланмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси ҳам жаҳон ҳамжамятида тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириш орқали ўзининг ташқи сиёсат назариясини яратиб келди.

Замонавий халқаро ҳуқуқ ва БМТ Низомининг умум эътироф этилган қондаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасини қуйидаги таҳрирда

қабул қилиш таққилла этилади: “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қондаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қондалари ва нормаларига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамяти билан икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни миллий манфаатларимиздан келиб чиқиб ривожлантиради, яқин қўшни давлатлар билан очик, дўстона ва прагматик

Республикаси Президенти, қонун чиқарувчи (Олий Мажлис) ва ижро этувчи ҳокимият (Вазирлар Маҳкамаси) ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўради” деб баён этиш таққилла этилади.

Учинчидан, Конституциянинг 121-моддасининг биринчи хатбосидаги “хусусий кооператив ташкилотлар” сўзларини “нодавлат ва диний характердаги ташкилотлар” сўзлари билан алмаштириш, шунингдек иккинчи хатбосини “Жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ахборотни хабар қилувчи шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари давлат ҳимоясида бўлади” деган мазмунда янги

жумла билан тўлдириш тавсия этилади.

Тўртинчидан, айрим хорижий мамлакатлар ҳуқуқий тажрибасини ўрганган ҳолда Асосий Қонуимизнинг 97-моддасини “Ваколати тугатиш муносабати билан истеъфого чиққан Президент умрбод Ўзбекистон Республикаси Президентининг фахрий маслаҳатчиси лавозимини эгаллайди” таҳририда баён этиш таққилла этилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурда алоҳида мақома эга бўлган Маслаҳат (экс-Президент ва унинг фахрий маслаҳатчиларини ўз ичига олган) кенгашини тузиш таққилла этилади.



**Умида ШЕРХАНОВА,**  
ўқитувчи.

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-моддаси фақат фуқароларга, аниқроғи, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тегишли бўлиб, тенг ҳуқуқлиқнинг таъминланишини фақат шу фуқаролар доирасида чеқлаб қўяди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча бўлиб турган бошқа давлат фуқароларига нисбатан ҳам бу модда амал қилиш лозим. Гарчи, республикамизда улар маълум ҳуқуқларга эга ва ҳимоя остида бўлсалар ҳам, ушбу ҳимоя ҳамда тенг ҳуқуқлиқ таъминланишини Конституциямизда аниқ ақс эттириш лозим.

Таъқидлаш жоизки, Конституция халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормаларини ҳурмат қилган ҳолда тузилган ва такомиллаштирилган. Ўзбекистон Республикаси ҳам кўплаб халқаро шартномаларни ратификация қилган ва халқаро мажбуриятларини бажариб

келаётган давлатдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 2-моддасида ҳар бир шахс барча ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиши ва ҳеч қандай камситишларга дучор этилмаслиги лозимлиги белгиланиб, “ҳар бир инсон” деб урғу бериб кетилган. Бундан ташқари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пактнинг 2-моддасида ҳам худди шу қоида ўз аксини топган. Унда ҳам “ҳар бир шахс” дея қайд этилиб, ушбу Пактга қўшилган ҳар бир иштирокчи давлатнинг ўз ҳудудида бўлиб турган ва ўз юрисдикцияси остидаги ҳар қандай шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти борлиги белгиланган бўлиб қўйилган.

Агар хорижий тажрибага назар ташласак, Россия Федерацияси Конституциясининг 19-моддаси, Қозғистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида давлат ўз фуқаро

ролари билан биргаликда бошқа ҳар қандай шахсларнинг ҳуқуқларини бирдек таъминлаш мустаҳкамланган. Шунга қўра, Конституциянинг 18-моддасига “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги йўқ шахслар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилди ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт” деган таҳрирда ўзгартириш ва қўшимча киритиш таққилла этилади.

Давра суҳбатини “Инсон ва қонун” муҳбири Хуршид СУЛТОНОВ ёзиб олди.



## Ходимларни дам олиш кунларида ишлатиш ТАҚИҚЛАНАДИ!

ХОДИМЛАРНИНГ дам олишга бўлган ҳуқуқи Конституциямизнинг 38-моддасида, Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида мустақамлаб кўйилган.

Ходимга иш куни (смена) давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус берилиши керак, бу танаффус иш вақтига киритилмайди. Танаффус бериш вақти ва унинг аниқ муддати ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена графикларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасида келишувга биноан белгилаб кўйилади.

Ишлаб чиқариш шароитига кўра, дам олиш ва овқатланиш учун танаффус бериш мумкин бўлмаган ишларда иш берувчи ходимга иш вақтида овқатланиб олиш имкониятини таъминлаши шарт бўлади. Бундай ишларнинг рўйхати, овқатланиш тартиби ва жойи ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб кўйилади.

Ишнинг тугаши билан кейинги куни иш бошланиши ўртасидаги кундалик дам олиш вақтининг муддати ўн икки соатдан

кам бўлиши мумкин эмас.

Ходимларни дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Айрим ходимлар дам олиш кунлари ишга жалб этилса, иш берувчининг фармойиши бўйича касаб-ушумаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича амалга оширилади.

Меҳнат таътили муддати қонун ҳужжатларида белгилаб кўйилганидан кам бўлмайди. 15 кун ва ҳар бир ходимга узлуксиз дам олиш ҳамда меҳнат қобилиятини тиклаш учун иш жойи ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ҳар йили берилади. Меҳнат шартномаси бекор қилинган ходимга фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллار учун пуллик компенсация тўланади.

Меҳнат кодексининг 8-моддасига мувофиқ ҳар бир шахснинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатланади, бу ҳимоя меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида

риоя қилинишини назорат қилувчи ҳамда меҳнат низоларини кўрувчи органлар томонидан амалга оширилади. Шу сабабли ўзининг дам олиш ҳуқуқи иш берувчи томонидан бузилган, деб ҳисобловчи ходим бевосита судга мурожаат этишга ҳамда бузилган ҳуқуқлари тикланишини талаб қилишга, бундан ташқари, иш берувчининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари унга зарар, шу жумладан, маънавий зарар etkazган ҳолларда etkazилган зарарнинг ўрни қопланишини талаб этишга ҳақлидир.

Мансабдор шахслар томонидан ходимларнинг дам олишга бўлган ҳуқуқларининг бузилиши меҳнатга оид қонунчиликнинг бузилиши деб ҳисобланади ва бунда айбдор деб топилган мансабдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Бобур АТЕМОВ,  
Тошкент вилоят адлия  
бошқармаси масъул ходими

## БУХОРО

БУХОРО туманидаги “Амиробод-Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси ўринбосари Ч.Қудратова ва бошқаларнинг меҳнат шартномаси иш жойи қисқариши муносабати билан иш берувчи томонидан 2022 йил 7 февраль куни бекор қилинган. Бироқ уларга компенсация пули тўлаб берилмаган. Бундан норози бўлган собиқ ўринбосарлар туман адлия бўлимига мурожаат қилган.



## ҲАМ ИШДАН, ҲАМ КОМПЕНСАЦИЯДАН ҚУРУҚ ҚОЛГАН ЎРИНБОСАРЛАР...

Мазкур мурожаатни ўрганиш чоғида аниқланишича, тумандаги “Амиробод-Гулистон” МФЙ раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари Ч.Қудратова ва бошқа маҳаллалардаги раис ўринбосарларининг меҳнат шартномаси иш жойи қисқариши муносабати билан туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимининг 2022 йил 7 февралдаги тегишли буйруғига асосан Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига мувофиқ иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган.

Аммо, Ч.Қудратова ва бошқаларга меҳнат қонунчилигида меҳнат шартномаси амалда асосларга кўра бекор қилинганди, моддий мадад бериш ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча кафолатлар учун белгиланган компенсация тўлаб берилмаган.

Жумладан, туман маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими томонидан тақдим қилинган маълумотга асосан, Ч.Қудратовага Меҳнат кодексининг 67-моддасига асосан 2 миллион 76 минг 208 сўм, қонуннинг 49-моддасига асосан 2 миллион 76 минг 208 сўм, жами 4 миллион 152 минг 416 сўм, худди шундай 20 та ҳолатда қолган маҳалла раис ўринбосарларига 103 миллион 810 минг 400 сўмлик компенсация тўлаб берилмаган.

Туман маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими мазкур компенсация маблағларини тўлаб берилиши юзасидан асосланган хат билан туман молия бўлимига мурожаат қилган бўлишига қарамаздан, молиячилар томонидан маблағни молиялаштириш чораларини кўриш ўрнига, яна тегишли ҳужжатларни илова қилишни сўраб жавоб хати йўлланган.

Туман молия бўлими раҳбари номига киритилган тақдимномага асосан мурожаат муаллифи Ч.Қудратова ва шунингдек, ушбу лавозимдан ишдан бўшатирилган 20 нафар маҳалла раиси ўринбосарларига 103 миллион 810 минг 400 сўмлик компенсация пули тўлаб берилиши таъминланди.

Абдураҳимхўжа БАФАЕВ,  
Бухоро туман адлия бўлими бошлиғи

## НАМАНГАН

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2016 йил 28 декабрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан қамоллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари бугунги кунда самарали фаолият кўрсатмоқда.



## Мурожаатлар адлия эътиборида

Халқ қабулхоналарига келиб тушган мурожаатларни фуқароларни ортқча сарсон қилмасдан тегишлилиги бўйича тўғридан-тўғри давлат органлари ва ташкилотларига юбориш ва ижросини назорат қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Наманган вилоят адлия бошқармасига ҳам 2022 йилнинг 1 июнь ҳолатида халқ қабулхоналаридан 34 та турли мазмундаги мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 10 тасига тегишли тартибда ҳуқуқий тушунтириш берилган бўлса, 18 та мурожаат бошқарма аралашуви билан қаноатлантирилди.

Мурожаатлар таҳлил қилинганди, кўпчилигида меҳнат муносабатлари билан боғлиқ, ижтимоий нафақаларни тўлаш

тартиби, уй-жой олиш, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларидан норозилик, ФХДЁ йўналишидаги муаммоларни кўриш мумкин.

Мисол учун, қосонсойлик фуқаро И.С.нинг ногиронлиги бўлган фарзандини парвариш-лаётганлиги учун ёки Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро С.Н.нинг ногиронлиги бўлган шахсга қараётганлиги учун нафақа тайинлашида амалий ёрдам сўраб қилган мурожаатлари адлия бошқармаси томонидан белгиланган тартибда ўрганилиб, фуқароларга қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа тайинланди.

Шоҳидёр ТУРАМИРЗАЕВ,  
Наманган вилоят адлия  
бошқармаси масъул ходими

## СУРХОНДАРЁ

## Яна нореал ҚАРЗДОРЛИК

ТЕРМИЗ туман адлия бўлими томонидан ўтказилган сайёр ва шахсий қабуллар давомида 2022 йилнинг ўтган 5 ойи давомида 75 та мурожаат қабул қилинди. Мазкур мурожаатларнинг 55 таси тўлиқ қаноатлантирилиб, 20 та мурожаат юзасидан тегишли ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Жумладан, тумандаги “Учқизил” маҳаллада яшовчи фуқаролар М.Ҳасанова, З.Шаманова, М.Ариқова туман адлия бўлими бошлигининг шахсий қабулида бўлиб, фойдаланилган табиий газ учун 2 миллион 52 минг сўм миқдоридида нореал қарздорлик ҳисобланганлигидан норозилиklarини билдириб, ушбу масалада амалий ёрдам беришни сўраган.

Мазкур мурожаат туман адлия бўлими томонидан назоратга олинди, туман газ таъминоти бўлимида мониторинг ўтказилди. Фуқароларга нотўғри ҳисобланган 2 миллион 52 минг сўм миқдоридидаги қарздорлик уларнинг абонент рақамларидан тўлиқ олиб ташланди ва фуқароларнинг ҳуқуқлари тикланди.

Баҳодир АШУРОВ,  
Термиз туман адлия  
бўлими бошлиғи

## НАВОЙ

## Ҳуқуқини билганга — Тўлов, билмаганга — ҚАРЗДОРЛИК...ми?

2022 ЙИЛНИНГ 1 июнь ҳолатига кўра, Учқудуқ туман адлия бўлимига халқ таълими тизими ходимларидан 28 та мурожаат келиб тушган. Шундан 18 таси қаноатлантирилиб, ўқитувчилар фойдасига судга даъво аризалари киритилди.

Жумладан, Учқудуқ туманидаги 20-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ф.Алимовага рус тили фанидан халқаро S-1 сертификати бўлишига қарамаздан, Президентимизнинг 5117-сонли Қарори талаблари бўйича базавий тариф ставкасининг 50 фоизи миқдоридида қўшимча устама пули тўланмаган. Бундан норози бўлган ўқитувчи туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, амалий ёрдам сўради. Ўрганишда 2021-2022 ўқув йилининг 5 ойи давомида Ф.Алимовага тўлаб берилмаган 6 миллион 4 минг 90 сўм қарздорлик борлиги аниқланди. Туман адлия бўлими томонидан судга талабгор Ф.Алимова манфаатида даъво аризаси кири-

тилиб, даъво ўқитувчи ҳисобига қаноатлантирилди.

Худди шундай ҳудуддаги 9-сонли умумтаълим мактабидан рус тили фани ўқитувчиси А.Баимбетова, 7-мактабдан Г.Болатова ва Ш.Нурмухаммедоваларнинг туман адлия бўлимига қилган мурожаати ҳам ўрганилиб, суд орқали қўшимча устама ҳақи ундириб берилди.

Тумандаги 10-сонли умумтаълим мактабидан ишловчи М.Барноевага ҳам “Спорт тарғиботчиси” деган қўшимча вазифа юклатилган бўлса-да, Президентимизнинг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фар-

монининг 13-бандида кўрсатилган талаблар бажарилмаганлиги оқибатида ходимнинг базавий лавозим маошига 20 фоиз миқдоридида устама тўланмаган.

Адлия аралашуви билан туман халқ таълими бўлимида М.Барноева фойдасига 8 миллион 876 минг 31 сўм қўшимча устама тўлов ундирилди. Яна худди шундай 13 нафар спорт тарғиботчисининг 20 фоизлик устама ҳақлари фуқаролик ишлари бўйича Учқудуқ туман судига киритилган даъво аризалари туфайли ундириб берилди.

Бехзод САФАРОВ,  
Учқудуқ туман адлия бўлими  
бошлиғи



**Шерзод БАХРОНОВ,**  
Тошкент давлат  
юримдик университети  
мустақил изланувчиси

## АТРОФ-МУҲИТГА БЎЛГАН МУНОСАБАТИМИЗНИ ЎЗГАРТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

**ҲОЗИРДА бутун дунёда табиатга нооқилона муносабат натижасида атроф-муҳитга нисбатан экологик таҳдид ва хавф-хатарларнинг салбий таъсири кескин ошиб бормоқда. БМТ маълумотларига кўра, инсоният фаолиятининг таъсири ўлароқ Ер қуррагининг 75 фоиз майдони бутунлай ўзгарishiга олиб келган, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг 1 миллион тури йўқолиб кетиш хавфи остида қолмоқда.**

Экологик муаммоларнинг кескинлашуви инсоният ҳаёти ва келажига реал хавф туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам БМТ томонидан қабул қилинган 2030 йилгача бўлган 17 та Барқарор ривожланиш мақсадларининг 10 таси дунё экотизими ва атроф-муҳитга алоқадор эканлиги ҳам табиатни муҳофаза қилишнинг нақадар муҳим жараёнга айланганидан далolat беради.

Экологик муаммолар билан курашиш нафақат глобал ва минтақавий, балки миллий миқёсдаги комплекс саъй-ҳаракатларни талаб этади.

Конституциямизнинг 50-моддасида фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишига мажбурлиги, 55-моддасида эса ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик эканлиги ва улар давлат муҳофазасида бўлиши алоҳида белгиланган.

Шунга қарамадан, бугунги кунда ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб ва келажак авлод олдидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда Асосий қонунимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг конституциявий принциплари ва кафолатларини янада мустақамлаш долзарб масаладир.

Табиатни муҳофаза қилишдан асосий мақсад инсон саломатлиги ҳамда унинг ҳаёт учун қулай ва тоза табиий атроф-муҳитга бўлган ажралмас ҳуқуқини таъминлашдан иборатдир. Кўплаб хорижий давлатларда инсоннинг тоза атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи конституциявий даражада белгиланган.

Хусусан, **Озарбайжон Республикаси Конституциясида** ҳар ким соғлом атроф-муҳит шароитида яшаш ҳуқуқига эгаллиги алоҳида назарда тутилган (39-модда).

**Германиянинг Асосий қонунидан** давлат келажак авлод олдидаги ўзининг масъулиятини англаган ҳолда конституциявий тузум доирасида қонунлар, ижро ҳокимияти ва одил судлов ёрдамида ердаги ҳаётнинг асоси бўлган атроф-муҳитни муҳофаза қилиши кўрсатилган (20-а-модда).

**Хитой Конституциясида** давлат атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, унинг ифлосланиши ва бошқа хил бузилишини олдини олиш бўйича зарур чораларни кўриши белгиланган.

кўйилган. Ушбу норманинг давомий сифатида давлат ўрмонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ишларни ташкил этади ва рағбатлантиради, ўрмонларни сақлайди, деб алоҳида урғу берилган (26-модда).

**Португалия Конституцияси** атроф-муҳитни асраш масалаларининг ечимини оқилона тарзда баён қилган. Ушбу давлатнинг асосий қонунидан табиатни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш — давлатнинг асосий вазифаларидан бири сифатида қайд этилган (9-модда). Шунингдек, Конституциянинг 66-моддаси “Атроф-муҳит ва ҳаёт сифати” деб номланиб, унда биринчидан, барча фуқароларнинг соғлом муҳитда, экологик барқарорлик шароитида яшаш ҳуқуқига эгаллиги ҳамда атроф-муҳитни асраб-авайлашга мажбурлиги, иккинчидан, барқарор ривожланиш шароитида инсонларнинг соғлом атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини таъминлаш мақсадида давлат томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар назарда тутилган.

Оқоридагиларга асосан ва илгор хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда юртимизда амалга ошириладиган конституциявий ислоҳот доирасида Асосий қонунимизга куйидаги **2 та масала бўйича** нормаларни киритиш муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман:

**1-масала** — фуқароларнинг тоза ва қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини конституциявий даражада белгилаш;

**2-масала** — давлатнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича вазифаларини назарда тутиш.

Табиатни асраш бевосита инсоннинг ҳаёти ва соғлиги билан боғлиқ масала бўлганлиги сабабли Асосий қонунимизнинг 40-моддаси қўшимча иккинчи қисм билан тўлдирилиб, ушбу қисм “**ҳар бир инсон соғлом ва қулай атроф-муҳит шароитида яшаш ҳуқуқига эга**” деб баён қилиниши таклиф этилади.

Шуни таъкидлаш керакики, келажимиз кўп жиҳатдан, табиат билан жамият ўртасидаги алоқадорликни оптимал ҳал қилиш йўллари ва воситаларнинг топилишига боғлиқ. Бунда ҳар бир давлат миллий сиёсий воситалар ёрдамида атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиши долзарб аҳамиятга эга. Хорижий мамлакатлар тажри-

басида табиатни муҳофаза қилишнинг замонавий ва таъсирчан усулларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ривожланган давлатларда ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолияти лойиҳаларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш тизими (**Environmental Impact Assessment**) билан бир қаторда қонунчилик ҳужжатлари ва давлат дастурлари лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказиш жараёни (**Strategic Environmental Assessment**) ҳам амалиётга татбиқ қилинмоқда. Халқаро эксперт ва олимларнинг фикрига кўра, атроф табиий муҳит ифлосланишини олдини олиш экологик жиҳатдан асосланмаган қарорларнинг салбий оқибатларини бартараф этишга қараганда тўрт-беш мартаба арзонга тушади.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда экологик экспертизанинг ижобий хулосасисиз лойиҳаларни рўёбга чиқариш манъ этилиши белгиланган бўлиб, ушбу қоида атроф-муҳитга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча турдаги лойиҳаларни, шу жумладан, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ҳам назарда тутаяди.

Қонунчиликнинг экологик талабларга мувофиқ қабул қилиниши давлатимиз томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатларнинг ҳам муҳим талаби ҳисобланади. Ўзбекистон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий шартнома — **Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенцияга** 1995 йилда қўшилган. Мазкур халқаро ҳужжат иштирокчи давлатлар томонидан атроф-муҳит, шу жумладан, биологик хилма-хилликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган дастурлар ва қонунчилик ҳужжатларини экологик экспертизадан ўтказиш механизмларини жорий қилиш, ушбу жараёнда жамоатчиликнинг иштирок этиш имкониятини яратиш ва бошқа муҳим чораларни кўриш лозимлигини эътироф этади.

Шундай экан, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг муҳим ҳуқуқий инструментларидан бири сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экологик экспертизадан ўтказишнинг конституциявий асосларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Асосий қонунимизнинг 55-моддасини қўшимча иккита қисм билан тўлдириб, уларни қуйидаги тахрирда баён қилиш таклиф этилади:

“Давлат келажак авлод олдидаги масъулиятини англаган ҳолда атроф-муҳитни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва уларнинг ифлосланишини олдини олиш бўйича зарур чораларни кўради, ушбу Конституция асосида қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг экологик талабларга мувофиқлигини таъминлайди.

Давлат кўкаламзорлаштириш ва ўрмонларни қўпайтириш бўйича ишларни ташкил этади ва рағбатлантиради.”

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида барча соҳаларда изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу ислохотлар меваларидан келажак авлоднинг соғлом ва экологик тоза муҳитда баҳраманд бўлишлари учун атроф-муҳитга бўлган муносабатимизни кескин ўзгартиришимиз, бу борада **таъсирчан конституциявий-ҳуқуқий асосларни яратишимиз** бугунги даврнинг талабидир.

### БИЛАСИЗМИ?



## Узумчилик учун СУБСИДИЯ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

**СЎНГИ** йилларда қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш ва соҳага бозор механизмларини жорий қилиш, узумчиликни янада ривожлантириш, узум етиштириш, уни қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 10 июндаги қарори билан тасдиқланган узум қўчатларини шпалерга (ёғоч ва бошқа синувчан устунлардан ташқари) кўтариш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисидаги Низом қабул қилинди. Мазкур Низом билан узумчилик соҳаси учун субсидия беришнинг яна бир тури белгиланди.

Низомга асосан, субсидия:

- ҳўраки ва кишишбоп тоқзорларни барпо этган талабгорга — Ёғдорчиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан;
- саноатбоп тоқзорларни барпо этган талабгорга — Виночиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан ажратилади.

Субсидия барпо қилинган тоқзорларда узум қўчатларини кўтариш мақсадида шпалерни ўрнатиш (қуриш) ишлари якунлангандан сўнг фақат бир мартаба, бир донна шпалер учун 15 минг сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорини қоплаш учун ажратилади.

Талабгор субсидия олиш учун шпалерни ўрнатиш (қуриш) ишлари якунлангандан сўнг хулоса олиш учун туман ишчи гуруҳига аризани ёзма ёки электрон шаклда юборади. Ҳар қандай натижаси юзасидан 1 кунда ижобий ёки салбий хулоса берилади.

Жамоатчилик назорати субъектлари томонидан субсидия предметидан мақсадли фойдаланилмаётган ёки яроқсиз ҳолдагилик аниқланса, бундай ҳолатлар видеотехника воситалари орқали ёзиб олиниб, 2 кун муддатда туман ишчи гуруҳига тақдим қилиниши мумкин.

Хабар ўз тасдиғини топган тақдирда тегишли Агентлик томонидан рағбатлантирилади. Рағбатлантириш талабгордан ундирилган субсидиянинг 5 фоизи миқдоридан амалга оширилади.

Шунингдек, мазкур ҳукумат қарори билан тасдиқланган “Виночилик асбоб-ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра, виночилик асбоб-ускуналарини харид қилиш харажатларининг бир қисми (ҳар бир виночилик асбоб-ускуналарини харид қилиш харажатларининг 20 фоизи, бироқ 300 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдори) қоплаб берилади.

Жўрабек АБДУЛАЗИЗОВ,  
Адлия вазирлиги масъул ходими

## ХАЛҚПАРВАРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ МОҲИАТИНИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМДА МУСТАҲКАМЛАШ ЗАРУР

**ХАЛҚИМИЗ** асрлар оша халқпарвар давлат ҳақида орзу қилиб келган. Ўзбекининг буюк фарзандлари бўлган Алишер Навоий, Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Заҳрирдин Муҳаммад Бобур ўз ижодий фаолиятида ва давлат ишларини юртида адолат, қонунийлик ва халқпарварлик ғояларига амал қилган.

Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг мустақил давлатчилиги, адолатпарвар давлат ҳақидаги орзу-умидлари рўёбга чиқа бошлади. Миллий давлатчилигимиз, аввало, ўз тарихий тажрибамиз ва дунёнинг илғор халқро ижобий тажрибасига, умуминсоний қадриятларга асосланган ҳолда ташкил этилди.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиши биланоқ адолатли демократик давлат қуришни бош мақсад қилиб олганлигини бутун дунёга эълон қилди. Ўтган вақт мобайнида ушбу мақсад йўлида улкан саяё-ҳаркатлар амалга оширилмоқда. Мустақил давлатчилигимизнинг

ўтган йиллари силсиласида охириги беш йилликда юз бераётган ўзгаришлар, айниқса, ўзининг моҳияти ва натижалари билан сермахсул бўлмоқда. Бундай янгилашни жараёнларини халқро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда. Ушбу қисқа давр ичида иқтисодда, сиёсатда, ижтимоий ва маънавий соҳаларда, муҳими, инсонлар онги ва шуурида туб ўзгаришлар юз берди.

Кейинги беш йил ичида давлат ва унинг органлари аҳоли билан жуда яқинлашди, одамларнинг турмуш муаммоларини аниқ ва манзилли ҳал этиш йўлини тутди. Айниқса, бу даврда давлат сиёсатида халқпарварликнинг маз-

мун-моҳияти кучайди.

Халқ қабулхоналари тизимининг яратилиши ва самарали фаолияти буюк бобокалонимиз Амир Темурининг машварат, кенгаши, маслаҳатлашув каби аҳоли билан ишлаш, унинг турли тоифалари вакиллари фикрини эшитиш каби анъаналарининг мазмуний ва мантиқий давоми бўлди, назаримда.

Давлат ва унинг органлари ҳамда мансабдор шахслар халқро хизмат қилиши кераклиги кун тартибига қўйилди. Буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг "Одами эрсанг демагил одами, Ониким йўқ халқ ғамидин ғами" деган буюк мисралари давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятини баҳолашнинг муҳим мезонларидан бирига айланди.

"Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халқро хизмат қилиши керак" деган тамойил ҳаётимизга тобора сингиб бормоқда. Давлат органлари фаолиятининг бош кўрсаткичи — халқнинг турмуш муаммоларини қанчалик ҳал этишига, оддийгина қилиб айта-

диган бўлсак, халқро хизмат қилишига боғлиқлиги кун тартибига айланди. Бу ислохотларнинг барчаси давлатимизнинг ижтимоий моҳияти янада мустаҳкамланаётганлигидан далолатдир.

Фикримизча, ҳар бир давлатнинг Асосий қонуни фақат мавжуд тузум хусусиятларини, эришилган марраларнигина эмас, балки келажакка йўналтирилган нормалар, қондаларни ҳам ўзида акс эттиради.

Жаҳон конституцияшунослик тажрибаси, жумладан, ғарб мамлакатлари, МДҲ давлатлари конституциялари тажрибасига эътибор қаратган ҳолда, давлатимизнинг ижтимоий, дунёвий ва ҳуқуқий характерини Конституциямизда янада аниқроқ қилиб мустаҳкамлаш зарурати мавжуд. Президентимиз таъкидлаганидек, Конституциямизда давлатимизнинг ижтимоий, дунёвий моҳиятини юқори мақомда мустаҳкамлаб қўйишга етарли асос бор. Муҳими, бундай норма мавжуд воқеликни, яъни Ўзбекистоннинг халқпарвар, ижтимоий, дунёвий моҳиятини ўзида мустаҳкам-

лайди, акс эттиради.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1-моддаси биринчи қисмини қуйидаги тахрирда баён қилишни таклиф қиламан: "Ўзбекистон суверен, демократик, дунёвий, ҳуқуқий ва ижтимоий давлатдир".

Назаримда, ушбу қонданнинг янгиланаётган Конституциямизга киритилиши давлатимизнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига намён этиб, давлатимизнинг ушбу йўналишдаги сиёсати ва фаолиятининг конституциявий мақомини мустаҳкамлаган бўлар эди.

Шу тариқа, давлатимиз сиёсатининг моҳиятини ташкил этадиган инсон ҳуқуқлари ва уларни ҳар томонлама таъминлаш борасидаги саяё-ҳаракатларимиз, албатта, янгиланаётган Асосий Қонунимизда ўзининг янада мустаҳкам ифодасини топади.

**Мавлюда АХМЕДШАЕВА,**  
ТДЮУ профессори,  
юридик фанлар доктори

суд залидан

**СУДНИНГ** қора курсисида бошини эгиб ўтирган фарғоналик Ф.Салимов (исм-шарифлар ўзгартирилган) 37 ёшда. Оилали, 3 нафар воёга етмаган фарзанднинг отаси. Унинг жиноий шериги А.Алиев эса эндигина 25 ёшни қоралаган. Ҳали уylanмаган йигит. Уларнинг иккаласи ҳам муқаддам судланмаган.

## ЭҲТИЁТСИЗ ЭҲТИЁТКОРЛАР



ёхуд босқинчиларга  
суд ҳукми ўқилди

Ғап шундаки, Фозилнинг синглиси А.Салимова Фарғона шаҳридаги кўп қаватли уйлardan бирида яшовчи Г.Тўраевдан 700 АҚШ доллари миқдорда қарз бўлиб қолади. Уларнинг касбий боғлиқлиги бўлганлиги боис Анора Гулноранинг уйига бориб турарди. Бир гал у почта кавтанцияларини етказиш учун акаси Фозилдан машинасида Гулнораникига олиб бориб келишни илтимос қилади.

Анора ҳар қанча қақирмасин, ичкаридан ҳеч ким чиқмайди. Эшикни тақиллатаркан, ногаҳон у очилиб кетади ва улар ичкарида ҳеч ким йўқлиги, калитлар шундоққина қирраверишда илиғлик қолганини кўришади. Айтишларича, эшикни қулфлаб қўйиш учун калитларни олишади-ю, ён кўшинининг чиқиб қолиши уларга халақит беради. Яъни, унинг олдида ноқулай вазиятга тушиб қолишади. Тагин нотўғри тушунчага бормасин дея, кўшига уй очиб қолганлигини айтиб, бу ҳақда Гулнорига телефон орқали хабар беришади. Шу боис хонадон соҳибаси зум ўтмай етиб келади. Ака-сингил уй эгасига воқеани айтиб, гўё одамгарчилик қилишади-ю, аммо калитлар ўз қўлларида қолиб кетади.

Буни қарангки, ана шу калитлар Фозилнинг тинчини ўғирлайди, нияти бузилади. Чунки унинг А.Алимовдан катта миқдорда қарзи бор эди. "У хонадонда анча-мунча пул бор. Калитлар ўзимизда. Салгина эҳтиёт чорасини кўриб олсак бўлгани" деган шайтоний ўй банд этади йигитнинг хаёлини. Бу эса ҳақиқатга айланиб, Фозил Гулнораникига киришга қатъий қарор қилади. Сўнг ўзининг бу ноқонуний хатти-ҳаракатига А.Алиевни ҳам шерик қилади ва икковлон жиноий режа тузишади.

Улар кундуз кун, кўчада одам кам бўладиган пайтни пойлаб, юзларини ниқоб билан тўсиб, қуролланган ҳолда Г.Тўраеванинг хонадонига келишади. Мақсадлари — ўзларидеги калит ёрдамида эшикни очиб, уйдан пул ёки бошқа қимматбаҳо буюмларни секингина олиб чиқиб кетиш, борди-ю ичкарида кимдир бўлса, ўлдириб ёки ўлдириш билан қўрқитиб, қўлга киритилган нарсаларга эга бўлишдан иборат эди. Аслида бундай қалтис режа тузишининг ўзи қаллобик, ёвузликни талаб

этади. Демакки, бу икки жиноий шерикда ана шу хислатлар бор бўлган ёки айна ўша пайт уларни шундай хиссиёт ўраб олган.

Фозил қўлидаги калитларни аста эшик қулфига соларкан, ичкаридан товуш келганга ўхшаб туюлади. У биринчи қаватда пойлоқчилик қилиб турган Асрорни қақиради ва эҳтиёткорлик билан яна калитни бурашга уринади. Шу пайт бирдан эшик очилиб кетади-ю, ичкаридан Г.Тўраеванинг турмуш ўртоғи Т.Тўраев чиқиб келади. Эшик тутқи-чидан ушлаганча бир дам ўзини йўқотган уй эгасига босқинчилар бирдан ташланишади. Хонадон соҳибининг дуч келган жойига муш-лаб, тегиб, ичкарига олиб қирмоқчи бўлиб итаришарди. Аммо Толиб спорт устаси бўлган кучли шахс эди. У босқинчилар қўлидан чиқиб, ташқарига отилади-ю, овозининг борича ён-атрофдагиларни ёрдамга қақиради. Бу ҳолни кутмаган жиноятчилар эса фурсатни бой бермай, ўзларини ташқарига урганча, икки томонга қараб қолади. Қўлларидеги қуролларни эса йўл-йўлакай кўп қаватли уйлар атрофидаги деворлар орасига улоқтириб, гўёки яширган бўлишади.

Албатта, ҳар икки жиноятчи ҳам узоққа етмай қўлга олинади ва тегишли идорага олиб келинади. Дастлабки тергов, суриштирув даврида уларнинг юқоридаги ёвуз режалари равшан бўлади. Яхшиямки, улар ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мақсадларига эриша олмади. Аксинча, қонуний жавобгарликка рўбарў келдилар. Суд иккала жиноятчи ҳам озоқликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Шу ўринда Ф.Салимов ҳамда А.Алиевни эҳтиётсиз эҳтиёткорлар, деб аташни истардик. Шожд, улар ўзларига берилган жазодан тўғри хулоса чиқариб, ўз қилмишларига виждонан баҳо берсалар. Ҳисобли умрининг бутун бир қисмини ҳавога совурганларидан қийналсалар. Зеро, шунча муддатда қўлаб эзгу амаллар, юксак режалар ва шарафли ишларни амалга ошириш мумкин эди.

**Абдурасул МИНОЖИДДИНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича Фарғона  
шаҳар суди судьяси

**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ** истиқболли режалари сўнги йилларда тадбиркорлару ишбилармонларга янгидан-янги имкониятлар эшигини очмоқда. Республикамизнинг қайси вилоятига борманг, энг чекка ҳудудларда ҳам бир янгиликни, ўзгаришни кўрасиз. Жиззахга йўлингиз тушса, бугунги бунёдкорликлардан кўзингиз қувнайди.



# МУКАММАЛ ЛОЙИХАЛАР — келажак бунёдкори

Мамлакатимизнинг чекка туманларида ҳам катта ўзгаришларга гувоҳ бўлаемиз. Айниқса, кейинги йилларда ижтимоий, маънавий объектлар қурилиши кўпайган. Янги бинолар турар жойлар қад ростламоқда. Худудларда амалга оширилаётган архитектура, режалаштириш ишлари тобора замонавийлик касб этмоқда. Жойларда йўл-транспорт инфратузилмалари янгиланиб, ижтимоий соҳа объектларида ҳам катта бунёдкорликлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини шакллантиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ҳар бир ҳудудда ислохотлар олиб борилмоқда. Мазкур Қарорга асосан шаҳарлар, шаҳарчаларнинг бош режалари, шунингдек, қишлоқ (овуллар) фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи функцияни Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари амалга оширмоқда. Бу борада қандай ўзгаришлар бўлмоқда? Саволга жавоб излаб, юқоридаги қарор ижросининг амалдаги натижасини кузатиш мақсадида Жиззах сафарига бўлдик.

Дарҳақиқат, юртимиз кейинги йилларда илгари ҳеч қачон кузатилмаган улкан бунёдкорлик марказига айланди. Бир-бирини такрорламайдиган замонавий ва кўркам бинолар, спорт ва тиббиёт объектлари, маданият даргоҳлари бунинг ёрқин мисолидир.

Худудларнинг замонавий қиёфасини яратишда кўли гул қурувчиларнинг маҳорати сезилади. Ана шундай катта ўзгаришларни ҳаётга татбиқ қилишда сифатли лойиҳа ҳужжатларининг ўрни беқиёс, албатта. Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУКнинг асосий вазифаси ҳам аслида маҳоратли лойиҳачилар томонидан яратилаётган лойиҳаларнинг мукамаллигини тегириб, амалиётга тўғри татбиқ этишдир.

Жиззахлик архитектор Мавзуда Бўронова билан суҳбатимиз вилоятдаги бунёдкорликлар ҳақида бўлди. Суҳбатдошимиз бизни “Жиззах Тадқиқот” МЧЖ фаолияти билан яқиндан таништирди. Жамоанинг 16 йиллик иш тажрибаси ҳар қандай янги гоёни кўллаб-қувватлашда кўл келади, албатта. Ҳар бир янги қурилган бинонинг дастлабки пойдевори унинг лойиҳа ҳужжатларидир. Лойиҳалаш бир қарашда унча кўп вақт талаб этмайдиган жараёндек туюлади. Аслида бу ўта мураккаб жараённинг ортида машаққатли меҳнату янги гоёлар бор.

Лойиҳачилар қўлида сайқал топаётган ўнлаб, юзлаб чизмалар асосида вилоят марказида, туманларда, қўшни вилоятларда ҳам бир-бирига ўхшамайдиган замонавий, кўркам иморатлар қад ростламоқда. Қурилайётган давлат ва нодавлат объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари асосан жамият қошидаги қурилиш ва лойиҳалаштириш, геодезия ва топотас-вирлар, смета ҳисоб-китоблари, сантехника ва жиҳозлашлар бўйича лойиҳалаштириш бўлимларида фаолият кўрсатаётган етук мутахассислар томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Лойиҳачиларнинг эзгу мақсади эса, лойиҳалаш ва қурилиш

ишларини пухта режалаштириш, кун сайин такомиллаштириш орқали шаҳарсозлик соҳасида илгор тажрибани ўрганиш ва оммалаштиришдан иборат.

Ҳар бир бино-иншоотнинг бунёд бўлишида лойиҳачиларнинг пухта режаси кўл келади, албатта. Бу соҳада ишлаш учун нафақат билим ва тажриба, балки, юксак маҳорат ҳам талаб этилади. Бинонинг замон талабларига мос равишда қурилишида лойиҳачининг эҳни ўткирлиги кўл келади. Соҳада фаолият юритаётган лойиҳачилар орасида хотин-қизлар ҳам талайгина. Жиззахда бўлган кунимиз суҳбатдошимиз Мавзуда опа ана шундай зукко аёллардан бири эканига гувоҳ бўлдик.

— Бирор йирик кўп қаватли объект қурилишини режалаштириш учун, аввало, унга мос жой танлаш лозим, — дейди “Жиззах Тадқиқот” МЧЖ раҳбари Мавзуда Бўронова. — Ҳар бир объектнинг қурилиши ўзи бир мўъжиза. Биринчи навбатда, ҳудуддаги режага киритилмаган ер, бино учун ажратилган жой ҳар жиҳатдан ўрганилади. Лойиҳачи тупроқнинг zichлиги, ер-сув сизот сувларининг яқин ёки узоқлиги, ўша жойнинг сейсмик ҳудудга қанчалик яқинлиги ёки узоқлиқ даражасидан тортиб, ажратилган ҳудудда фуқароларнинг эмин-эркин ишлаши, ўқиши ёки яшаши учун зарур бўлган барча қўлайликларни ҳисобга олиб иш тутиши шарт. Лойиҳачи ташкилотимиз тажрибали мутахассисларни жамлаган. Ҳар бир лойиҳа устида ишлашда мутахассислар буюртмачининг талаб ва истакларини тўлиқ инобатга олишади.

Қурилайётган иншоотнинг ҳажми, бинонинг неча қаватлиги, қайси қурилиш материалларидан фойдаланишнинг маъқуллиги, иссиқ-сувоқ об-ҳаво ва нурланишни ўтказиш даражаси ҳам ўрганилиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланади. Комиссия тасдиғидан сўнг қурилишга рухсат берилади. Бинонинг пойдевори қўйилиб, то у қуриб-битказилгунча, қурилиш ишлари яқунлангунча назорат олиб борилади.

Президентимиз Жиззахга ташрифи чоғида бошқа соҳалар қатори қурилиши мўлжалланган лойиҳалар билан танишаркан, 80 миллиард сўм маблағ ҳисобига тўрт қаватли шаҳар тиббиёт бирлашмаси лойиҳасига алоҳида тўхталиб, таклифларини билдирдилар. Юртбошимиз бинони етти қават қилиб қуриш таклифини бериб, лойиҳани амалга оширишда аҳамият қаратилиши лозим бўлган масалалар бўйича тегишли кўрсатмалар берди. Ана шу таклиф асосида Мавзуда опа лойиҳачиликдаги бор тажрибасини ишга солиб, лойиҳани яқунлади. Ана шу лойиҳа асосида айни кунларда вилоят марказида 7 қаватли, 270 ўринга мўлжалланган Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази қад ростламоқда.

— Энг йирик объектларимизнинг яна бири Жиззах шаҳрида қад ростлайди, — дейди жамият лойиҳачиси Санжар Мамиров. — Шаҳарнинг “Оққўрғонлик” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Жиззах вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳудудида вилоят “Кўз касалликлари” шифохонаси янгидан қурилиши режалаштирилган. Бунинг учун жами

19 миллиард сўмдан ортиқ лойиҳа-смета ҳужжатлари жамоамиз мутахассислари томонидан ишлаб чиқилди. Бундан ташқари, Жиззах шаҳридаги шаҳар акушерлик комплексини мукаммал таъмирлаш бўйича 3 миллиард сўмлик лойиҳа ҳужжатлари тайёрланди. 100 ўринли кардиология мажмуаси, Форш туманидаги вакцина сақлаш омборининг 2 миллиард сўмлик лойиҳа ҳужжатлари, лойиҳа қиймати 3 миллиард сўмлик Мирзачўл туманидаги патанатомия бўлимининг лойиҳа ҳужжатлари ҳам лойиҳачиларимиз томонидан ишлаб чиқилган. Тиббиёт тизими учун ишланган янги лойиҳалар ҳам анчагина. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган лойиҳалардан бири — икки қаватли ёпиқ бассейн лойиҳаси ҳам Жиззахликлар учун муносиб тухфадир.

Дарҳақиқат, лойиҳачиларнинг узоқни кўра билиш қобилияти кучли бўлади. Уларнинг келгуси режалари билан танишдик. Уларга улғувор мақсадларини амалга ошириш йўлида куч-қувват ва бардамлик тиладик.

Лойиҳачилар иши билан танишар эканмиз, уларнинг ша-рафли ва машаққатли меҳнати ортимиз чиройига чирой қўшаётганига гувоҳ бўлдик. Ҳар бир касбнинг ўз сир-синоати бўлади. Лойиҳачилар эса, режани аввалдан пухта тузишга одатланишади. “Режасиз иш — қолипсиз гишт” деган нақл айнан лойиҳачилар учун айтилгандек. Лойиҳачилар янги режалари ҳақида гапирар экан, кўз ўнгимизда тобора янгила-наётган Жиззах гавдаланди. Бу янгиланишлар замирида халқ манфаати, юрт тараққиёти деган улғувор мақсадлар мужас-сам аслида.

Гулижаҳон АШУРОВА

Jizzax viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 14-iyundagi 98-um-sonli buyrug'iga asosan Jizzax tumanlararo ma'muriy sudining 2022-yil 11-maydagi hal qiluv qaroriga asosan "KAFOLAT" advokatlar hay'ati advokati Norkuziyev Akbar Vaxtiyorovichga 2021-yil 16-aprelda berilgan GZ 000136-sonli litsenziyaning amal qilishi va advokatlik maqomi 2022-yil 14-iyundan 6 oy muddatga to'xtatildi.

Адлия вазирлиги жамоаси узоқ йиллар давомида вазирлик тизимида фаолият олиб борган фахрий ҳуқуқшунос **Рабно КАРИМОВА**нинг вафот этганили муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирди.

**Инсон ва ҚОНУН**  
МУАССИСА:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида  
0081-рақам билан  
рухсатга олинган

“Адолат” миллий ҳуқуқий  
ахборот маркази нашри  
info@adolatmarkaz.uz

**Бош муҳаррир**  
Қўчқор НОРҚОБИЛ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Икромов Музафр Мубаракходжаевич  
Тоҳиев Фуқрат Шомуродович  
Юлдашева Шохидохон Руфатовна  
Бахронов Шерзод Холмуродович  
Искандаров Ёрбек Нурбекович  
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Тахририятга келган қўлхатлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

**Навбатчи**  
Хуршид Султонов

**Саҳифаловчи-дизайнер**  
Жамшид Гофуров

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Business print” ҳусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, 5а-йў

Тиражи — 3600  
Буюртма — 150

Тошпириш вақти — 19:00  
Тошпирилди — 19:00

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.  
Факс: (0371) 277-02-97

**Обуна бўлими:** 277-02-57

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5

## Реклама қилишда қуйидагилар ТАҚИҚЛАНАДИ



**МАКТАБГАЧА** таълимда ҳамда тарбияда, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълимда фойдаланиладиган босма нашрларда (дарсликларда, мактаб кундаликлариди, мактаб дафтарларида ва бошқаларда) товарларни реклама қилиш тақиқланади. Бундай тартиб 2022 йил 7 июнда қабул қилинган “Реклама тўғрисида”ги Қонунда белгиланди.

Бундан ташқари, қонун билан яна бир қанча чекловлар ўрнатилиб, рекламада қуйидагилар тақиқланди:

- жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маърифати қараб, бошқа ҳолатларга қўра камситиш ёки ўзга шахсларнинг товарларини бадно қилиш;

- қонунчиликнинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган, фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказувчи ёхуд зарар етказиши мумкин бўлган, шунингдек, хавфсизлик воситаларига эътиборсиз бўлишга ундовчи ҳаракатларга даъват қилиш;

- агар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, бошқа товар рекламасида қўлланиладиган ёки видео ва кино маҳсулотларида, шунингдек, бошқа илм-фан, адабиёт ва санъат асарларида (муаллифлик ҳуқуқи), эфир ёки кабель орқали кўрсатувлар (эшиттиришлар) берувчи ташкилотларнинг ижроларида, фонограммаларида фойдаланиладиган умумий ечимни, матнни, тасвири, мушакли ёки овозли эффектларни айнан такрорлаш;

- жисмоний шахснинг номидан ёки тасвиридан унинг розилигисиз фойдаланиш;

- порнография тусидаги ахборотдан фойдаланиш;

- ахборот мазмунининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган чет эл сўзлари ва ибораларидан фойдаланиш;

- товар давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан маъқулланганлигини кўрсатиш;

- товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари) реклама қилиниши тақиқланган ёхуд реклама қилинишига нисбатан тегишли чекловлар ёки талаблар белгиланган товарнинг товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари) билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёхуд унга айнан ўхшаш бўлган бошқа товарнинг рекламаси кўринишида товарни реклама қилиш;

- давлат рамаларидан, хусусан Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби, Давлат байроғи тасвиридан ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси оҳангидан фойдаланиш ёки уларни айнан такрорлаш;

- мактабгача таълимда ҳамда тарбияда, умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълимда фойдаланиладиган босма нашрларда (дарсликларда, мактаб кундаликлариди, мактаб дафтарларида ва бошқаларда) товарларни реклама қилиш;

- нархларни (тарифларни) чет эл валютасида кўрсатиш;

- болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ахборот маҳсулотини ёш таснифини кўрсатмасдан реклама қилиш;

- товар тўғрисидаги, уни олиш ёки ундан фойдаланиш шартлари ҳақидаги муҳим маълумотларни яшириш ва (ёки) ўқш учун фарқлаб олишни қийинлаштирадиган қилиб тасвирлаш, агар бунда ахборотнинг мазмуни бузиб кўрсатилса ва рекламадан фойдаланувчиларни чағиртса;

- миллий ва оилавий аънадаларга, шунингдек, ахлоқ ва маънавиятнинг умум қабул

қилинган нормаларига зид бўлган шакллар, иборалар ва образлардан фойдаланиш.

Мазкур қонун билан рекламалар аксил-реклама, ахлоқсиз реклама, номақбул реклама, нотўғри рекламалар, ташқи реклама, уйғунлаштирилган реклама, яширин реклама, қийсий реклама ҳамда ҳомийлик рекламаси каби турларга ажратилиб, ҳар бир рекламага хос бўлган талаблар белгилаб қўйилди.

Қонунга мувофиқ, вояга етмаганларнинг ишончини ва тажрибаси еттишмаслигини суиистеъмол қилишдан ҳимоя этиш мақсадида рекламада, жумладан, қуйидагилар тақиқланади:

- хавфли вазиятларда, шу билан бирга уларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига таҳдид соловчи хатти-ҳаракатларни содир этишга, шу жумладан ўз соғлиғига зарар етказишга ундовчи вазиятларда вояга етмаганларни намойиш этишдан фойдаланиш;

- ота-оналар ва тарбиячиларни обрўсизлантириш, вояга етмаганларнинг уларга бўлган ишончига путур етказиш;

- вояга етмаганлар олиши ёки истеъмол қилиши тақиқланган товарларни вояга етмаганлар учун мўлжалланган телеканалларда, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда реклама қилиш.

Қонунга асосан, қимматбаҳо совринлар тарқатиладиган ва (ёки) ўйналладиган рағбатлантирувчи акцияларни ёхуд ушбу акцияларда иштирок этиш учун рекламадан фойдаланувчи томонидан бирор-бир ҳаракатлар амалга оширилишини назарда тутадиган рағбатлантирувчи акцияларни ўтказиш чоғида реклама берувчи акцияни ўтказиш бошланғичига қадар оммавий ахборот воситаларида ва эркин фойдаланиладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ахборот ресурсларида акцияда иштирок этиш шартларини эълон қилиши шарт.

Шунингдек, дори воситаларини реклама қилишда таниқли шахсларнинг, тиббиёт ходимларининг ёки ташқи кўриниши шифокорларнинг ташқи кўринишига ўхшаш шахсларнинг иштирок этиши тақиқланади.

Телеканаллар эфирда, теле, видео, кинохроникали дастурларда тарқатилаётган рекламанинг умумий давомийлиги кўрсатув вақтининг 1 соати давомида 20 фоиздан, бироқ бир суткада кўрсатув вақтининг 15 фоиздан ошиши мумкин эмас. Ушбу талаб фақат реклама теледастурларига ихтисослаштирилган телеканалларга нисбатан таъбиқ этилмайди. Давомийлиги 10 дақиқадан кам бўлган телекўрсатувларни реклама билан узиб қўйишга ва реклама билан бирга намойиш этишга йўл қўйилмайди.

Бундан ташқари, қонунда қимор ўйинлари ва таваққалчиликка асосланган бошқа ўйинлар, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда ташкил этиладиган қимор ўйинлари рекламасига йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Лотереялар рекламаси ҳар гал вояга етмаганларнинг потереяда иштирок этишига йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги оғohlантириш билан бирга берилиши керак.

**Мақсуд МУСТАҒОЕВ,**  
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот  
маркази масъул ходими

### ТАЛАБА НИГОҲИ

**КЕЙИНГИ** йилларда пойтахт аҳолиси сони ортиб, уларнинг эҳтиёжлари ҳам шунга муносиб тарзда кўпайиб бормоқда. Шундай бўлишига қарамай, шахримизда яшил ҳудудлар жуда кам, етарли даражада эмас. Янги барпо этилаётган истироҳат боғларида кўп йиллик дарахтлар жуда кам. Энди экилаётган ниҳоллар эса, серсоя, катта дарахт бўлгунча ҳали нечта қовун пишиги бор.



## “ЭКОПАРК” фақат ҳисобот учунмиди?

Шаҳар ҳавосининг тозалиги, албатта, ҳудудда етарлича кислород манбаи бўлган дарахтларнинг кўп бўлишига боғлиқлигини яхши биламиз. Кейинги йилларда нафас йўллари касалликлари, аллергия касалликлар аҳоли орасида кўп учраётгани ҳеч биримизга сир эмас.

Тиббиёт илмининг сўлтони Ибн Сино айтганидек: “Агар ҳавода чанг билан тутун бўлмаганда, одамзот минг йил яшаган бўлар эди”. Афсуски, ҳозирги кунда 100 йиллик умр ҳам орзу инсоният учун. Шаҳарларда аҳоли сонининг ортishi транспорт воситаларининг кўпайишига, табиийлик тобора йўқолиб, тоза ҳавонинг зарарланишига сабаб бўлади. Экологик муаммоларни бартараф этишга ҳар қанча уринмайлик, амалдаги натижа қутилганидек бўлмаса, бундан кимга нима наф?!

Айниқса, баҳор, ёз фаслларида шаҳар аҳолиси тоза ҳаво истаб, табиат бағрига ошиқади. Шаҳарлик одамларнинг ҳаёт тарзини кузатсангиз, уларнинг аксарияти кунлар исий бошлаётган, шаҳар ташқарисига, тоғларга, дарё ва сойларга, яшил ҳудудли сув бўйларига дам олиш истагида бораётганини кўрасиз.

Пойтахтимизда ҳам кўп қаватли уйлар яқинида болалар майдончалари, яшил ҳудудлар бўлиши учун тегишли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, ана шундай ҳудудлар барпо қилинаётганига гувоҳимиз. Одамларнинг дарахтлар остидаги майсазорларда китоб ўқиби, дам олиб, “пикник” қилиб ўтирганини кўриб, бир зум бўлса-да, улардек хордик чикарнингиз келади сиз ҳам.

Пойтахтимизнинг Учтепа тумана

нида ҳам “Экопарк” бунёд этилганида шу ҳудуд аҳолиси жуда қувонганди. Аммо унинг бугунги аҳоли ўта ачинарли экани одамни ўйлантиради. Наҳотки, шунча сарф-харажат, шунча меҳнат сарф қилинган ҳудуд шу аҳволга келди?! Аслида бу яшил ҳудуд, болалар ўйингоҳи кўргазма учун қилинганмиди? Бундай дейишимга сабаб истироҳат боғига болалар учун ўрнатилган аттракционларнинг аксарияти бугун яроқсиз аҳволда. Ишонасизми-йўқми, боғдаги 13 та аттракционнинг 10 таси ана шундай. Ҳатто 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куниди ҳам уларнинг бор-йўғи учтагинаси ишлади, холос. Бу эса, шу ҳудуд аҳолисининг бошқа ҳудуддаги истироҳат боғларига боришига сабаб бўлмоқда. Ахир, эшигингиз яқинида экопарк савлат тўкиб турса-ю, сиз ҳам пул, ҳам вақт сарфлаб болаларингизни бошқа паррка олиб борсангиз, ғалати эмасми?!

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: “Бу кўргазмага қилинган эко ҳудуд кимга керак ўзи? Экопарк нега шунча пул сарфлаб барпо қилинганди, масъулларга ҳисобот учунми, аҳоли учунми? Қизиқ, агар аҳоли учун бўлса, нега одамлар ундан яйраб фойдаланмаслиги керак?! Аттракционлар учун пул ажратилган бўлса, нега уларнинг яроқсиз олиб келиб ўрнатилди? Бундан ким манфаатдор?!” Бу саволларимизга ҳудуд мутасаддиларидан жавоб қутиб қоламиз.

**Динора ХУРСАНДОВА,**  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети талабаси